

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Бош директорининг
“Энг улуғ, энг азиз” республика танлови ғолибларини тақдирлаш
маросимидаги табрик сўзи**

**Ассалому алайкум, мухтарам меҳмонлар,
қадрли ҳамкасблар!**

Барчангизга маълумки, айти кунларда юртимизнинг барча гўшаларида Мустақилликнинг 24 йиллигига – халқимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрамига бағишлаб, турли маданий-ижтимоий тадбир ва тантаналар бўлиб ўтмоқда.

Мухтарам Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида жорий йилнинг август ойи охирида мамлакатимиз мустақиллиги байрамига бағишланган “Энг улуғ, энг азиз” анъанавий ижодий танловини юксак савияда ўтказиш белгиланган.

Қарорга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси, ҳамда республикамиз вилоятлари ижодкорлари ўртасида “Энг улуғ, энг азиз” республика танлови эълон қилинди.

Мазкур танлов “Бетакроримсан, яғонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!” деган ғояни шиор этиб, мустақиллик йилларида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилгани, обод юртимизда амалга оширилаётган бекиёс бунёдкорлик ишлари ўз аксини топган асарлар яратаётган барча ижодкорларни рағбатлантиришдек эзгу ниятларга хизмат қилади.

“Энг улуғ, энг азиз” танловининг Қорақалпоғистон Республикаси ва республикамиз вилоятлари босқичлари ўта уюшқоқлик билан ўтказилиб, август ойининг 15 санасида якунланди.

Вилоят босқичларининг ниҳоятда сермазмун ва қизғин бўлиб ўтганлигини иштирокчиларнинг кўплиги, танловга топширилган асарларнинг жанрлар ранг-баранглиги, ушбу танловга ёши, касби-коридан қатъи назар ижод аҳли катта қизиқиш билан иштирок этганлигидан ҳам билиш мумкин.

Масалан, Қашқадарёда 67 та ижодкорнинг 640 дан ортиқ турли йўналишдаги ижодий ишлари, Андижонда 91 та ижодкорнинг 500 дан ортиқ, Самарқанд вилоятида 147 та ижодкорнинг 255 та турли йўналишдаги асарлари тақдим этилганлигини ва қолган барча вилоятларда ҳам худди шу каби ниҳоятда катта сермахсулликни таъкидлаш мумкин.

Буни танловнинг биргина “Тасвирий санъат, фото ва дизайн асарлари” йўналиши бўйича вилоят босқичларида 500 дан ортиқ ижодкорнинг қарийб 4000 га яқин ижодий ишларини кўргазмага қўйганлиги ҳам исботлайди.

Вилоятлар босқичида ғолиб чиққан асарларнинг ҳар бири танловнинг жойлардаги ташкилий қўмитаси томонидан тантанали равишда муносиб тақдирланди.

Мана, ниҳоят бугун “Энг улуғ, энг азиз” танловининг республика босқичи сарҳисобини тантанали эълон қилиш учун йиғилдик.

Аввало, мен танловда биз билан ҳамкорлик қилган барча ташкилот вакилларига, ҳайъат таркибидаги мутахассис-экспертларга, танлов котибияти аъзоларига Ташкилий қўмита номидан раҳмат айтаман.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, бу йил танловнинг Республика босқичида жами 376 нафар ижодкорнинг 4879 та ижодий иши тақдим этилди.

Мазкур танлов ўзининг маъно мазмуни, ва йилдан-йилга ортиб бораётган нуфузи билан юртимиз фуқаролари, ижод аҳли меҳрига қанчалар сазовор бўлиб бораётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Қадрли дўстлар!

Танлов – ўз номи билан танлов. Бунда ҳамма иштирокчини бирдек ғолиб деб эътироф этишнинг имкони йўқ.

Модомики, бугун “Энг улуғ, энг азиз” танловига тақдим этилган ижодий ишларнинг орасидан энг сараларини танлаб, тақдирлашга йиғилган эканмиз, мен фурсатдан фойдаланиб, барча ижодкорларга ҳам танловдаги иштироклари учун миннатдорчилик билдираман.

Энг муҳими, ҳар бир ижодкорнинг қалбида, илҳом, ижодий ғайрат барқ уриб ривож топаверсин.

Халқимизнинг қалбидан чуқур жой оладиган, рағбату мукофотларга муносиб асарлар кўпаяверсин.

Барчангизни яна бир бор, яқинлашиб келаётган Улуғ ва азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги билан чин юракдан табриклаб, оилангизга бахт, ижодингизга барака тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат!

21.08.2015 й.

Соат 11:00

Миллий матбуот маркази